

Бутун ислом дунёси, бохусус, жаҳолат коронгулигинда колгон Туркистон ўлкаси муршид ва раҳбарларга ният даражада муҳтож бўлдиги бир замонда Туркистон халкига меҳрибон ота ва устоз манзалласинда бўлгон мухтарам муҳарриримиз муфти Маҳмудхўжа Бехбудий ҳазратларининг табиий ажали билан эмас, балки золим, таассуб ва жаҳолат манбаи бўлгон Бухоро тупрогинда, золимлар кўлинда ваҳшиёна бир суратда ўлдурулганлиги бутун Туркистон ўлкаси ва туркистонликлар учун гоят зўр бир зиёъдир. Бехбудий афанди Туркистонда бошлаб кўлига қалам олиб, халқнинг тараккий ва толесии учун фойдали мақолалар ёзгон буюк раҳбаримиз эди. Бехбудий афанди Туркистонда янги мактаблар учун бошлаб алифбо ва жуғрофия китоблари ёзгон улуг устоз ва муршидимиз эди.

Бехбудий афанди Туркистон тараккийпарварлари ичинда энг аввал мутаассиб уламнинг ҳақсиз ҳужум ва тақфирларига учрагон ва шундай тақфирлар ила руҳини тушурмай, ўз маслакиндан қилча айрилмай, йигирма йил мутамаддиан Ватан ва халқга хидмат этган бирдан-бир фаол йўлбошчимиз эди.

Мен бу ерда, бу қичкина мақолада Бехбудий ҳазратларининг муфассал таржимаи ҳолини ва халқга қилгон хидматларини ёзмокчи эмасман. (Қи, бунинг учун неча жилд китоб ёзмок керак бўлур) балки анинг баъзи яхши сифат ва ҳислатлари ила анинг ҳақиндаги хотираларимдан бир нечасини ёзмок истайман.

Бехбудий афанди ила бошлаб танишдигим 1321нчи санаи ҳижрияда бошлаб домла Сайидахмад Васлий афандининг ҳужрасинда ва мазкур йилда бир-икки келиб кетдиги учун Бехбудий афанди ила кўрушган ва танишгон бўлсам-да, ул чоқда ҳақиқатан Бехбудий афандининг муфтилигиндан бошқа қандай фазлу қамоли борлигини ва анинг ўзи яхшими, ёмонми - қандай киши эдикини билмаган эдим. Сўнгра 1324нчи йилда Бехбудий афанди ўзи ёзгон «Мухтасар жуғрофияи умумий» исмли асарини бостурб чиқарди ва шунинг ила баробар Самарқандда мутаассиб уламо ва талабалар оғзиндан Бехбудий ҳақинда тақфир ва таҳқир сўзлари эшитила бошлаб, бу сўзлар бутун халқ орасинда тарқалди: «Маҳмудхўжа ер айланадур ва ер тарбуздек юмалок дея экан, ул киши қофир бўлгон» қаби сўзлар ҳар ерда сўйлана бошлади. Демакки, Бехбудий афандининг бошлаб мутаассиб уламо ва қора халқдан тақфир сўзи эшитганига мазкур жуғрофия рисоласи сабаб бўлди. Мен шул ҳусусда ўзимнинг Самарқандда биринчи даражада олиму фозил кишилариндан деб топдигим бир устозим оғзиндан Бехбудий афанди ҳақинда тақфир сўзи эшитганимдан ҳайратда қолиб, мунга чидай олмай дарҳол мазкур китобдан бир донасини сотиб олиб диққат ила мутолаа этдим. Кўрдимки, Бехбудий афанди бу китобинда ўз тарафиндан ҳеч бир нарсга ёзмай, балки жуғрофия, ҳайъат ва татбиқоти диния ҳусусинда эски ва янги мўътабар муаллифларнинг сўзларинигина нақл ва таржима этган. Сўзларинида ақлий ва нақлий далиллар ила исбот этган. Мен шул китобни диққат ила яна иккинчи дафъа ўқиб чиқгоч, мазкур китобда «тақфир»га сабаб бўлатургон ҳилофи шаръий сўзларнинг йўқлигига бутун қаноат ҳосил этдим ва ўшал кундан эътиборан Бехбудий ҳазратларига қин қўнғлимдан муҳлис бўлдим ва анинг қим қанлигини том маъносила билиб олдим. Шунга ҳам ёзмасдан ўтолмайманки, мазкур тарихдан эътиборан ўзимнинг аввалги «биринчи фозил» деб

билган устозимдан бутун ихлосим кайтди. Анинг қошига бундан сўнг бормаитургон бўлдим. Бошқа эски устозларимдан ҳам юз ўгирдим. Шуни ҳам унутмайманким, мазкур жугрофия китобининг «Татбикоти диния» фаслинда: «Баъзи эски хурофот ва исроилият сўзлари бизнинг тафсир китобларимизгача кириб кетган» мазмуниндаги жумлалар ўшал вақтда маним фикримда зўр ўзгаришлар ясади. Яъни, ўшал жумла мени биринчи дафъа фикрий инкилобга учратди. Мен ўшал кундан эътиборан ҳар бир эски ва янги китобларни диққат билан, муҳокама илан ўқуйтургон бўлдим.

Мана шунинг учун мен айта оламанки, менинг тавсиъи маълумотимга турк-тотор матбуоти сабаб бўлгонидек, мени биринчи мартаба фикрий инкилобга учратгон ҳам Бехбудий ҳазратларининг мазкур бир-икки жумла сўзидир. Мен мазкур тарихдан эътиборан Бехбудий афандига чин кўнгил ила муҳлис бўлдигимдек, ўша вақтдан бошлаб мавкеи келганда, ҳар ерда ани муҳофаа этатургон бўлдим. Хатто 1325нчи йилда шул тафсирчиларга қарши бир мақола ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»да нашр этдигим хануз хотиримда бордир. Ўшандан бери мен ҳар вақт Бехбудий афандининг ҳузурига боратургон ва анинг илмий, ижтимоий ва сиёсий фикрлариндан истифода қилатургон бўлдим.

БЕХБУДИЙ АФАНДИНИНГ ЎЗ МУСОХИБЛАРИ ИЛА МУОМАЛАСИ

Бехбудий афанди ҳалим, зийрак, гоят зақоватли ва қувваи ҳофизаси зўр бўлдигидек, сўзга-да ниҳоят даражада уста эди. Ул ҳар сўзига қаноатлантирмак учун турли мисоллар қелтура, мавкеи келганда оят ва ҳадисдан далиллар кўрсата эди. Шунинг учун анинг суҳбати гоят лаззатли ва истифодали бўлар эди. Бехбудий афанди ҳар вақт «қалам ун-нос ўала қадри ўқулиҳим»[1] мазмунича мусоҳибларининг ҳолига ва ақлига қараб ўшанга муносиб сўйлаша эди. Баъзан мутоийба ила мажлисдошларини қулдура эди. Анинг суҳбатинда бўлгон киши руҳлана, шодлана ва анинг олдиндан асло тургуси қелмас эди. Бехбудий афанди ақсар вақт мақолаларин-да ёзиб турдигидек, суҳбат ва мажлисларда ҳам «Бизга икки турли киши қерак. Бири диний илмларни фалсафалари ила қомил билатургон зотлар, иккинчиси дунёвий илм ила ҳунарларни яхши билган зиёлилар» сўзларини сўзлаб тура эди. Бир вақт (1908нчи йилда) «Таржумон» газетасининг муҳаррири Исмоилбек афанди Гаспиринский (25 йиллик юбелейсиндан сўнг) Самарқандга қелганида Бехбудий афанди йиглагон ҳодда ул зот ила қучоқлашиб кўрушуб, «Бу кун сизнинг ҳузурингизга қелиб суҳбатингиздан истифода қилатургон зиёлиларимиз йўқ», деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: «Бехбудий афанди! Йигламанг! (Мажлисдаги кишиларни ишора қилиб) мана булар озми? Яна сизлар тиришсангиз, оз бир фурсатда миллатга қерақлик қўб одамлар етишдира олурсиз», деди.

ХАСМУ ДУШМАНЛАРИГА ҚАРШИ МУОМАЛАСИ

Бехбудий афанди шахсий душманликни ҳохламас ва ҳеч қимнинг шахсига ва шахсий ишларига тил етқузмас эди. Ўшандок ўзини тақфир ва таҳқир этатургон ҳасмларига-да қарши ёмон ва ҳақоратомуз сўзлар сўйламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда: «Зотан мундай дин ва дунёдан ҳабарсиз кишилардан яхши сўзлар-да қутмак абасдур», деб қулар эди. «Мундай тақфирларни ёлғуз мен кўрган эмас, балки ўттан уламо ва улуг

кишилар ҳам ўз муосирлариндан шундай хужум ва такфирларни кўриб келганлар», деб ўзига тасалли бера эди. Бехбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, хасм ва душманлари анинг кетиндан хар канча хакорат этсаларда, анинг хузурига ўтургонда ҳеч бир беҳуда сўз айта олмасдан, анга тамлик ва мадора этарга мажбур бўлалар эди. Бехбудий афанди хар вақт ўзининг шахсига тегиб сўйлайтургон хасмларига: «Ажабо! Булар на учун манинг шахсимга тил еткузалар? Мен ўзим яхшими-ёмонми хар на бўлсада, ўз миллатимга зарар еткузмайман, балки халкга тўла ва фаол фойда еткузмак учун кўлимдан келганча чолишаман», дея эди.

ТААДДУДИ ЗАВЖОТ ХАКИНДАГИ ФИКРИ

Мен 1916нчи йилларда «Мазлума хотун» исмли рисоламни ёзиб турдигим вақтда (бу рисоланинг мавзуи тааддуди завжот бўлдигиндан) бирдан зиёда хотун олнш тўғрисида фикрини билмак учун Бехбудий афандининг қошига бордим ва ондан шул ҳақда фикрини сўрадим. Бехбудий афанди жавобан шу еўзларни сўйлаган эди: «Мен бирдан ортик хотун олишга бутун муқобилман. Зотан, иккинчи хотун олиш учун кўйилгон шарт(адолат)ни ҳеч ким риоя қила олмайди. Шунинг учун агар мен мужтахид бўлса эдим, бирдан зиёда хотун олишнинг нодурустлиги тўғрисида фатво берган бўлур эдим».

Бехбудий ҳазратларининг авсофи олияси ва анинг ҳакиндаги хотираларим кўб эди. Шояд фурсат бўлгонда яна бошқа бир вақтда ёзарман.

«Меҳнаткашлар товуши» газетаси,
1920 йия, 8 апрель

[1] Сўз инсонларнинг ақлларига яраша бўлмоғи керак.